



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 1 МАЙ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 86 (12.397)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аскар Ёқубов (Ўз) олган сурат

2013 йил — Обод турмуш йили

ОБОД ЮРТНИНГ ОРАСТА ҚИЗЛАРИ

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактаблари, коллеж ва лицейларда фаолият кўрсатаётган «Ораста қизлар» тўғараги аъзолари иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари дастлаб ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди, пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Тошкент шаҳар Олмасор тумани «Гуручарик» маҳалла фукаролар йиғинидаги «Ораста ёшлар» ахборот-маслаҳат гуруҳи, 28-мактаб қошида фаолият кўрсатаётган «Ораста қизлар» тўғараги фаолиятига бағишланган тадбирлар фестивал иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Фестивалнинг очилишида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, қизлар маънавиятини юксалтириш, уларни мил-

лий ҳаёт тарзимида зид ғоялар, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга ошириладигани таъкидланди. Бу жараёнда мамлакатимиз таълим масканларида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўғарақлари қизларни ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, никоҳ ёшидаги қизлар ўртасида оила муқаддаслиги, ўзаро муносабатлар ҳақида кенг тушунча беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Ораста қизлар» республика фестивалида мактаблар, коллеж ва лицейларнинг 800 минг нафардан ортиқ ўқувчиси иштирок этди. Ғолибларни мамлакат босқичига саралаш жараёнида тўғарақлар фаолияти, қизларнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, тиббий-экологик соҳалардаги билимига асосий эътибор қаратилди. Мамлакатимиз туман ва шаҳарларидан энг яхши деб топилган 194 нафар қиз 14 ҳудудий жамоага бирла-

шиб, мазкур фестивалнинг мамлакат босқичида иштирок этди.

— Тўғарагимизга қатнашиш истагидаги қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги 1-иктисослаштирилган мактабнинг 9-синф ўқувчиси Тўмарис Даулетбоева. — Турли соҳа мутахассислари иштирокида олиб бориладиган машғулотлар одоб-ахлоқ, атроф-муҳит, тиббий маданиятга оид билимимизни оширишга хизмат қилмоқда.

Фестивалда Фарғона вилоятининг «Нихол» жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилди. Самарқанд вилоятининг «Зукко қизлар» жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин Тошкент вилоятининг «Нихол» жамоасига насиб этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг жорий йилнинг 25 апрель куни қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонида мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 68 йиллиги нишонланиши муносабати билан амалга ошириладиган кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланган.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган ишлар, байрам муносабати билан ташкил этиладиган тадбирлар ҳусусида Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Эркин БОКИБОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирига қуйидагиларни таъкидлаб берди:

— Кексаларни эъзозлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий кўмак кўрсатиш азалӣ қадриятларимиздан, — дейди Э.Бокитбоев. — Бундай эзгу аъналаримиз бугунги кунда ҳам муносиб давом эттирилмоқда. Хусусан, фахрийларимизнинг амалга ошириладиган ишларида жараёндаги ўрни ва ролини янада ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтиришга қаратилган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш кунининг мамлакатимизда кенг нишонланаётгани бугунги тинч, фаровон ҳаётимизни деб ўз жонини қурбон қилган аждодларимизнинг табаррук хотираларига, ўша оғир йилларнинг жабрини чекиб, бугунги кунда биз билан бир сафда туриб обод ва озод Ватан барпо этишдек эзгу ишларга ўз масlahатлари билан ҳисса қўшаётган отахон ва онахонларимизга кўрсатиладиган ҳурмат-эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони бу борадаги кенг кўламли ишларнинг мантӣкий давоми бўлди. Ушбу фармон ижросини таъминлаш юзасидан жамғаримиз томонидан махсус иш режаси тузилди. Тегшли вазирлик ва

идоралар нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ушбу режада 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини юртимизнинг барча ҳудудларида юқори савияда ўтказиш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига давлат бодже-тидан ажратилган пул мукофотларини байрамона тарзда

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

УМР ЭЪЗОЗ ВА ЭХТИРОМ БИЛАН МАЗМУНЛИ

топириш, нурунийларимизга меҳр-эътибор кўрсатиш билан боғлиқ кенг қамровли вазифалар белгиланган.

Хозирги кунда жойлардаги Мудофаа ишлари бошқармалари, Хотин-қизлар кўмиталари, Касаба уюшмалари, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда таълим масканлари ва маҳаллаларда «Уч авлод» учрашувлари, турли мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Бундай тадбирларда нурунийларимиз ўз ҳаёти, ўтмишнинг оғир кунлари мисолида бугунги тинч-фаровон кунларимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳақида сўзлаб бермоқда. Ёшлар эса кексаларимизга ҳурмат-эътибор кўрсатмоқда. Хусусан, ёшлардан ташкил топган Нурунийларга мадад ва ҳамжўрлик гуруҳларининг фаолияти тобора

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2013 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг муҳим йўналишларига мувофиқ амалга оширилган чора-тадбирлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, саноат тармоқлари, ишлаб чиқариш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ўрта муҳдатли комплекс дастурларнинг давом этирилиши 2013 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини сақлаш имконини берди.

1. Барқарор юқори ўсиш суръатлари, макроиктисодий барқарорлик ва мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш

2013 йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 7,5 фоизга ошди. Иқтисодий ўсиш мамлакат макроиктисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш орқали таъминланди. Бунда инфляция даражаси паст кўрсаткични ва давлат боджети профицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоизни ташкил қилди.

Саноатни янада ривожлантириш, тармоқлар рақобатбардошлигини ошириш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 6 фоизга, жумладан истеъмол товарларини 9,4 фоизга оширишни таъминлади.

Янги ишлаб чиқариш қувватлари ва инфратузилма объектларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши натижасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 7,2 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 13,2 фоизга ўсди.

Фермер хўжалиқларининг моддий-техника базасини техник янгилаш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига илгор технологияларни жорий этиш жараёнини жадаллаштириш ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини 6,2 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Аҳоли даромадларининг барқарор ошишини таъминлаш ва ички истеъмол талабини рағбатлантириш чора-тадбирлари чакана савдо айланмаси ҳажмини 13,1 фоиз ва жами хизматлар кўрсатишини 9 фоизга оширишга кўмаклашди.

2013 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикасини иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2012 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	107,5
Саноат маҳсулотлари	106,0
Истеъмол товарлари	109,4
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	106,2
Қурилиш ишлари	113,2
Чакана савдо айланмаси	113,1
Жами хизматлар	109,0

(Давоми 2-бетда)

кенгаймоқда. Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида тузилган ушбу лойиҳага бирлашган йиғит-қизлар ўзлари яшаётган ҳудудларда истиқомат қилаётган ёлғиз кексалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларнинг хонадонларига бориб, уй-рўзгор ишларида кўмаклашмоқда. Зарур ҳолларда уларини таъмирлаб бермоқда. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ушбу мақсадлар учун зарур маблағлар ажратилмоқда.

Нурунийларнинг саломатлигини асраш ҳам доимий эътиборда. Ҳар бир вилоятда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлирга тиббий ёрдам кўрсатиш махсус шифохоналари фаолият юритмоқда. Уларда барча диагностика ва даволаш ишлари бепул амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар йили махсус гуруҳлар ташкил этилиб, уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари ўз уйларида тиббий қўриқдан ўтказилмоқда. Айни кунларда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар шифохоналари ва ҳамширалари иштирокида шундай тадбирлар бошлаб юборилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йилдан-йилга кенгаймоқда. Президентимиз фармонида мувофиқ, жорий йил уларнинг ҳар бири беш юз минг сўм миқдорига пул мукофоти билан тақдирланади. Бу мукофотлар кенг жамоатчилик иштирокида байрамона тарзда топирилиди.

Фахрийларнинг мароқли дам олишини ташкил этиш ҳам тизимли йўлга қўйилган. Нурунийларни Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент сингари тарихий шаҳарларимизга саёҳатга олиб бориш аъна тусини олган. Обод турмуш йилида бундай эзгу, хайрли ишлар кўлами янада кенгайди.

Баҳор ХИДИРОВА
ёзиб олди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқанд шаҳрида «Ўзбекистонда сайлов жараёнларини янада демократлаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини маси мутахассислари, вилоят, туман ва шаҳарлар сайлов комиссияларининг раислари ҳамда сиёсий партияларнинг ҳудудий кенгашлари фаоллари иштирок этди.

• Жиззахда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлини маси, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва адлия бошқармаси ҳамкорлигида «Аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

• «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти кўмагида Сирдарё вилоятида жорий йилнинг биринчи чорагида 255 лойиҳа амалга оширилди. Мазкур нодавлат ташкилоти томонидан амалга оширилган бизнес ва ижтимоий лойиҳалар туфайли аҳолининг унга ишончи ошмоқда. 2012 йилда ташкилотнинг вилоятдаги ахборот маркази кўмагида тадбиркорларга 1 миллиард 200 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, 215 янги иш ўрни яратилди.

• Бухорода вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамкорлигида ташкил этилган халқ ўйинлари фестивалининг ҳудудий босқичи якунланди. Мазкур фестивалда туман, шаҳар босқичларида муваффақиятли иштирок этган ўнта хаваскорлик жамоаси ўз маҳоратини намойиш этди.

ЖАҲОНДА

• Бугун Грецияда бир кеча-кундуз давом этадиган навбатдаги умумий иш ташлаш амалга оширилмоқда. Яъни, йигирма тўрт соат давомида мамлакатда жамоат транспорт ва касалхоналар ишламайди. Ижтимоий соҳа ходимлари иқтисодиётдаги қатъий чора-тадбирларга қарши ўз норозиликларини шу йўл билан намойиш этмоқдалар.

• Кеча Мексиканинг Канкун шаҳридан парвоз қилиб, Англиянинг Манчестер шаҳри томон ҳавакатланаётган Thomas Cook Airlines авиакомпаниясига қарашли Airbus A330 йўловчи самолёти борда ёнғин чиққанлиги сабабли Бермуд оролларида мажбурий қўнишни амалга оширди. Жабрланганлар тўғрисида маълумот йўқ.

• Москва шаҳри атрофидаги Дмитров районида жойлашган руҳий касалликлар шифохонасида ўттиз саккиз кишининг ҳаётига зомин бўлган ёнғин муносабати билан ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан ёндашганлигида айбланаётганларга нисбатан полиция яна учта жиноий иш очди.

• Грузиянинг гарбий қисмида жойлашган, мамлакатдаги энг сейсмик фаол минтақалардан бири ҳисобланмиш Рача шаҳрида магнитудаси 3,3 балл бўлган ер қимирлаши кузатилади.

• Покистоннинг Карачи шаҳрида мамлакат Халқ партияси томонидан ўтказиладиган митинг чоғида амалга оширилган портлаш натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди ва бир нечта одам тан жароҳатлари олди. Яқин атрофда содир этилган яна бир портлаш эса бир кишининг ҳаётига зомин бўлди.

ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент ирригация ва мелиорация институтида касаб ва уюшмалари фаолиятининг

долзарб масалаларига бағишланган ўқув-семинар ташкил этилади.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «2013 йилда сел,

тошқин ва ер қўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш борасида амалга ошириладиган тадбирлар» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Яккасарой туманидаги Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув спорт-техника клубида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири ва спорт мусобақаси ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2013 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

II. Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш кўламини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш, ишлаб чиқаришларни диверсификация қилиш

2013 йилнинг биринчи чораги мобайнида ишлаб чиқаришларни янада диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини қисқартириш, маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришнинг техник ҳамда технологик янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кенгайтириш ҳисобидан иқтисодиёт рақобатбардорлигини оширишга қаратилган дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилди.

2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантириш дастури доирасида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва янгиларини ишга туширишга доир инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши саноат ишлаб чиқаришининг, аввало, саноатнинг юқори технологияли тармоқларида, барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш имконини берди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида саноатнинг машинасозлик ва металлчи қайта ишлаш (2012 йилнинг шу даврига нисбатан 118,9 фоиз), енгил саноат (113,2 фоиз), қимм ва нефть-қимм саноати (107,4 фоиз) ва озиқ-овқат саноати (106,2 фоиз) каби тартиб яратувчи тармоқларида жадал ривожланиш таъминланди. Саноат ишлаб чиқариши умумий таркибда ушбу тармоқлар улуши 2012 йилнинг биринчи чорагида 47 фоиздан 49,3 фоизга ошди.

Мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик ускуналар сотиб олиш ҳамда айланма капитални тўлдириш учун банклар томонидан 652,6 миллиард сўм (2012 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 1,3 баробар кўп) миқдордаги кредитлар ажратилди.

Натижада ҳисобот даврида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳаёми 9,4 фоизга, жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари 6,3 фоиз ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳаёми 12,3 фоизга ошди. Сариеғ ва ўсимлик ёғи, минерал сув, сут маҳсулотлари, электр даямоллар, энергия тежайдиган лампа, ёрма, чарм буюмлар, тайёр трикотаж буюмлар, мактаб дафтарлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳаёми сезиларли равишда кўпайди.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган йirik корхоналар томонидан енгил ва юк автомобиллари, автомобиль двигателлари, тракторлар, трактор тиркачалари, сингалли-блокировка кабеллари, ўрнатилмаган симлар, компрессорлар, ип газламалар ва юқори қўшимча қийматга эга бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳаёмининг юқори ўсиш суръатлари таъминланди.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи чорагида «Ўзфарм-саноат» давлат акциядорлик компанияси корхоналари қиймати 3 миллиард сўмдан ортиқ 10 турдаги янги дори воситаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар билан тўлдириш даражасини ошириш имконини берди.

Жорий йил бошидан буён Республика инновациялар соҳаси, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида тузилган шартномалар доирасида етти турдаги янги инновация маҳсулотларини ишлаб чиқариш таъминланди. 14 шартнома бўйича «Илим» ва таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқарилган илмталаб маҳсулотлар етказиб берилди, 28 шартнома асосида ташкилотларга илмий-техник хизматлар кўрсатилди. Ушбу чора-тадбирлар натижасида инновация технологияларидан фойдаланган ҳолда, қиймати 18 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди.

Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 2,1 триллион сўмлик ёки 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 марта кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Зангламайдиган конзол насослар, синтетик ип, янги турдаги ҳаво, мой ва ёқилги филтратлари, болалар ўйинчоқлари, ақшумулаторли моноклоблар, ер усти транспорт учун ҳавфсиз ойналар каби қирқдан ортиқ янги турдаги маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада импорт ўрнини босиш бўйича ҳисоблаб чиқилган самара бир миллиард доллардан ошиб кетди ёки бу 2012 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 20,5 фоиз кўпдир. Маҳаллийлаштирилётган маҳсулотлар экспорт ҳаёми 161,7 миллион доллар, шу жумладан 14 турдаги янги маҳсулот бўйича 1,5 миллион долларни ташкил этди.

Иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида углерод икки оксиди, натрий нитрати, юк автомобилларининг тираскли валлари, поллизитлан кўвурулар, изоляция қилинган ва ўраш симлари, ток ўтказиш симлари, автотенераторлар, компрессорлар каби қиймати 56,7 миллион доллардан ортиқ 76 турдаги янги товарлар экспортга етказиб берилди. Шу билан бирга, аммиак селитра, хлорид калий, сульфитрилган газ, вольфрам, қора металл прокат, ип газлама ва бошқа маҳсулотларнинг экспорт ҳаёми кўпайди.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларини сотиш бўйича бозор механизмларининг кенгайтириш Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржасининг биржа ва кўрғазма-ярмарка савдоларида умумий оборот ҳаёми 1,5 триллион сўмдан ошди, 20,3 фоизга кўпайиш имконини берди. Биржа савдоларида иккиламчи алюминий, мис маҳсулотлари, рангли металл парчалари, цемент, сульфитрилган газ ва кўмир сотиш ҳаёми анча кўпайди. Биржа савдоларида кичик бизнес субъектлари томонидан тузилган битимлар ҳаёми умумий биржа айланмаси ҳаёмининг 753,5 миллиард сўмини ташкил қилди (2012 йилнинг шу даврига нисбатан 107 фоиз).

Тижорат банкларининг ресурс базасини кенгайтириш ва инвестиция фаоллигини кўчатириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида банк тизимининг жами капитали 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 23,5 фоизга, уларнинг жами активлари 30,5 фоизга кўпайди. Мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси шу йилнинг биринчи чорагида 24,3 фоизга етди, бу – Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг амалдаги минимал талабларидан 3 баробар ортиқдир.

2013 йилнинг биринчи чорагида, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инфратузилмани яратиш ва ривожлантириш учун Микрокредитбанкнинг 7,1 миллиард сўмдан ошқ кредит маблағлари йўналтирилди. 1,5 мингга яқин маиший хизмат кўрсатиш объекти, 1,2 мингдан зиёд чакана савдо ва умумий оқватланиш корхонаси ташкил этилди. Бу эса маиший хизматларни 17,1 фоиз, савдо ҳамда умумий оқватланиш хизматларини 13,3 фоизга ошириш имконини берди.

Мобил алоқа ва интернетдан фойдаланувчи абонентлар сонининг кўпайиши, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари негизида янги турдаги хизматларни ривожлантириш ҳамда жорий этиш натижасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳаёми 20,7 фоизга кўпайди. Микро ва истеъмол кредитлар ажратишни ривожлантириш, замонавий халқаро стандартлар ва технологиялардан фойдаланган ҳолда тўлов тизимини тақомиллаштириш, молия инфратузилмаси институтларини ривожлантиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар молия хизматлари ҳаёмининг 15,9 фоизга оширишга кўмаклашди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилган тадбирлар хизматлар умумий ҳаёмининг 9 фоиз, янги ички маҳсулотда ушбу соҳа улушини 2012 йилдаги 52,1 фоиздан ҳисобот даврида 52,5 фоизга ошириш имконини берди.

III. Фаол инвестиция сиёсатини юритиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиёт етакчи тармоқларини жадал янгилаш

Жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳаёми 4,6 триллион сўмини ташкил қилди ва солиштирма нархларда 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 7,2 фоизга ошди. Капитал қўйилмалар умумий ҳаёмининг 68,2 фоизи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳаёми 1,6 баробар, аҳоли маблағлари ҳисобидан 16,2 фоиз, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 10,6 фоиз ўсди. Бунда ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳаёмининг 21,7 фоизини аҳоли маблағлари ташкил қилди ва бу унинг юқори инвестицион фаоллиги ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган 4434-Фармони билан тасдиқланган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун қаролатлар ва имтиёзлар тизимини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳаёмининг 35,5 фоиз, жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни 44 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Ҳисобот даврида умумий қиймати 4,3 миллиард долларлик 114 янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. «Stroy Max Invest» масшувланти чекланган жамияти қўшма корхонасида газ-бетон ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасини бажариш ниясига етказилди, «Бекобдцемент» очик акциядорлик жамиятида қуруқ услубда цемент ишлаб чиқариш бўйича янги линияни қуриш орқали фаолият кўрсатётган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш» лойиҳаси асосида ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, 587 янги ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан енгил ва тўқимачилик (190 объект), озиқ-овқат (179), ёғочни қайта ишлаш (29), қимм саноати (10), қурилиш материаллари (112), машинасозлик (6) ва бошқа тармоқларда (61) фойдаланишга топирилди.

Махсус саноат зоналари салоҳиятидан фаол фойдаланиш доирасида жорий йил бошидан буён «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида ишга туширилган 12 корхона томонидан умумий қиймати 18,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Умумий қиймати 48 миллион доллардан ортиқ олпига инвестиция лойиҳасини амалга ошириш давом эттирилди. «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудига қиймати 185,8 миллион долларлик 8 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланди. Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида филиали бўлган, Жиззах вилоятида «Жиззах» махсус индустриал зонасини ташкил этишга доир асосий тадбирлар белгиланди ва бажаришга киришилди.

Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурига мувофиқ имтиёзли кредитлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан яқка тартибдаги янги уй-жойларни қуриш учун ер массивларини ажратиш ва тайёрлаш ишлари бажарилди, яқка тартибдаги қурувчилар танланди, қиймати 335 миллиард сўмлик бошланғич бадал шакллантирилди. Ҳисобот даврида пудратчи ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ҳаёми 137,8 миллиард сўмни ташкил қилди. Қишлоқ жойларидаги янги уй-жой массивларида сув таъминоти тизимларини қуриш объектиларида 3,2 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Умуман, мамлакатимизда 2013 йилнинг биринчи чорагида 1,8 миллион квадрат метр (2012 йилнинг шу даврига нисбатан 105 фоиз), жумладан қишлоқ жойларида 1,3 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топирилди (105,5 фоиз).

Уй-жой қуриш дастурини амалга ошириш учун ресурс базасини кенгайтириш мақсадида маҳаллий хон ашё ресурслари ва концентратлардан фойдаланган ҳолда, қурилиш материаллари, жумладан ром ва аэшиллар, норузда қурилиш материаллари, брусчатка, темир-бетон буюмлар, пишган гилт, говакли бетон, гипсли бетон буюмлари ва бошқа материаллар ишлаб чиқариш бўйича 157 корхона ишга туширилди ҳамда модернизация қилинди.

IV. Йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш

Жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон миллий автомагистрალი таркибига қирадиган автомобил йўларини қуриш ва реконструкция қилиш объектиларида 61,7 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар, жумладан Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 44,1 миллиард сўм, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қаролати остида четдан олинган заёмлар ҳисобидан 8,7 миллион доллар ўзлаштирилди. Қўқон шаҳрини айланб ўтадиган «Тошкент-Ўш» А-373 автотўл участкасининг 42 километрини реконструкция қилиш, янги «Тошкент айланма йўли» йўналиши участкасининг 8 километрини қуриш ишлари якунланди.

«2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»-ги дастури амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида 45 километрик темир йўл модернизация қилинди, 57 юк ва 7 йўловчи ташувчи вагон тайёрланди. Мароканд-Қарши ва Қарши-Термиз темир йўл участкасини электрлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш давом эттирилиб, ушбу лойиҳалар бўйича ҳисобот даврида мис равишда 2,4 миллион доллар ва 2,6 миллион доллар капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.

Ҳаво кемалари паркинни янгилаш ва унификация қилиш бўйича дастурларнинг амалга оширилиши натижасида янги пайтда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси линияларида тўққизта янги тежажор А-320 ҳаво кемаси ва иккита янги Боинг-767-300ER самолётларида фойдаланилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида миллий авиакомпаниямиз томонидан 631 минг йўловчи ташилди, ўсиш 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 10,2 фоизни ташкил қилди, бир рейсда учадиган ўртача йўловчиларнинг сони 12,3 фоизга кўпайди.

«Ангрен» логистика маркази» ёлқ акциядорлик жамиятининг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича қўшма чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳисобидан ҳисобот даврида «Қамчи» довони орқали юк ташуш ҳаёми 1,5 миллион тоннани ташкил этди ва 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 мартага ошди.

V. Қишлоқ ҳўжалигини техник ва технологик янгилаш

Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилишга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши доирасида ҳисобот даврида Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 145,2 километрик коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш, 13 кудук ва 4,1 километрик ёлқ коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш ҳамда қуриш ишлари, 2,2 минг километрик ҳўжаликтаро ва ҳўжаликтар ичигади коллектор-дренаж тармогини ташмирлаш-қайта тиклаш ишлари ниясига етказилди.

Жорий йил 1 апрель ҳолатига кўра, асосий ва оралиқ экин майдонининг 154,1 минг гектарига сазавот, 71 минг гектарига картошка ва 14,4 минг гектарига полiz экинлари экилди. 4,6 минг гектар майдонда янги боғлар, 2,7 минг гектарда интенсив боғлар, 3,8 минг гектар майдонда тоқзорлар барпо этилди. 5,5 минг гектар майдондаги боғлар ва 3,4 минг гектар майдондаги тоқзорлар қайта тикланди. Аҳолининг шахсий томорқа ҳўжаликларининг 349 гектарлик

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги

майдонига 21 мингдан зиёд иссиқхоналар ташкил этилди. Амалга оширилган чоралар натижасида шу йилнинг биринчи чорагида 39,5 минг тонна сазавот етилтирилди (2012 йилнинг шу даврига нисбатан 118,2 фоиз).

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимиз ҳудудларида 580 чорвачилик, 333 паррандачилик ва 1055 асаларичилик ҳўжаликлари ташкил қилинди. 1,2 минг гектарлик сунъий ҳавзаларда 385 балиқчилик ҳўжалиги ташкил этилди. Натижада қорамоллар сони 10 миллиондан ошди (2012 йилнинг шу даврига нисбатан 105,3 фоиз), 357,3 минг тонна гўшт (106,3 фоиз), 1320,3 минг тонна сут (107 фоиз), 862,4 миллион дона тухум (114,2 фоиз) ишлаб чиқарилди.

VI. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, максимал даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш

Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича максимал қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида шу йилнинг биринчи чорагида мазмурий ва бюрократик процедураларни қисқартириш, тадбиркорликка кенг эркинлик беришга қаратилган қатор қонунчилик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳўжатлар қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек, объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибининг тўздан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 54-қарори билан қурилиш ишларини амалга ошириш учун «ягона ойна» тамойили бўйича рухсатномалар бериш механизми жорий этилди. Бунда тадбиркорлик субъектларининг қуриш учун зарур рухсатномалар олиш мuddати 2 бараварга қисқартирилди, мазкур процедуралар қиймати 5 бараварга арзонлаштирилди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига «ягона ойна» тамойили бўйича улаштириш янги тартиби тасдиқланди. Унга қўра, тегишли процедуралар сони қарийб 2 марта ва тадбиркорлик субъектларини электр таъминоти тизимига улашда, ташқи электр таъминоти лойиҳасини ҳудудий электр тармоғи корхоналари билан қилишга доир вазифаларни лойиҳа ташкилотларига беришда, қурилиш-пудрат ишлари ҳамда электр энергиясини ҳисоблаш приборларини ўрнатиш учун рухсатномалар олиш вазифаларини пудратчи ташкилотларга беришда табақалашган ёндашувни жорий этиш ҳисобидан уларни амалга ошириш мuddатлари 1,5 баравар қисқартирилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 1 январидан 65 шаклдаги статистика ҳисоботи ва 6 шаклдаги солиқ ҳисоботи бекор қилиниб, уларни топириш даврийлиги 2 бараварга қисқартирилди. Чўноччи, тадбиркорлик субъектларининг барча солиқ турлари ва мажбурий тўловлар бўйича (ёнг юқори даромад солими бундан мустасно) солиқ ҳисоботини ҳар ой тақдим этиш ҳам бекор қилинди. 12 турдаги солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги ҳар ойдан ҳар чоракка, 4 турдаги ҳисоботини тақдим этиш эса ҳар ойдан йилликка ўзгартирилди.

Ишбилармонлик муҳитини тақомиллаштириш ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши шу йилнинг биринчи чорагида 7,2 мингта янги кичик бизнес субъектларини таъминоти тизимларини бериш, ёнг юқори кичик бизнес субъектлари саноат (умумий сонининг 28 фоизи), савдо ва умумий оқватланиш соҳаси (27,4 фоиз), қишлоқ ва ўрмон ҳўжалигига (14,3 фоиз) ташкил қилинди.

Кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этишга амалий қўмаклашиш мақсадида ҳисобот даврида кичик бизнес субъектларига умумий қиймати 2,76 миллиард сўмлик 17 давлат активлари сотилди, давлат мулкнинг фойдаланилмаётган 12,3 мингта объекти ижарага берилди. Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 1,6 триллион сўмлик ёки 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баравар кўп кредит ҳамда микрокредитлар берилди.

Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш доирасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кичик бизнес улушининг янги ички маҳсулотда – 40,5 фоизгача (2012 йилнинг биринчи чорагидаги 39,9 фоиз ўрнига), саноатда – 21,2 фоизгача (19,5 фоиз), инвестициялар ҳаёмида 41,1 фоизгача (34,3 фоиз), бандлик соҳасида – 75,1 фоизгача (74,7 фоиз) ошишида ўз ифодасини топди.

VII. Аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини изчил оширишни таъминлаш

Иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида 2013 йилнинг биринчи чорагида ташкил этилган 250,4 мингта янги иш ўринининг 150 мингдан ортиғи (умумий сонининг 60 фоизи) қишлоқ жойларида яратилди.

Янги ташкил қилинган иш ўринлари умумий сонининг 156,8 мингтаси (62,6 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилди. Янги корхоналари ишга тушириш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобидан 13,2 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Иқтисодий ночор ва фаолият кўрсатаётган корхоналар фаолиятини қайта тиклашга оид тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 3,4 мингта иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектиларида, шу жумладан автомобил ҳаёмида темир йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, аҳоли пунктларини обodonлаштириш объектиларида 16,2 минг янги иш ўрни ташкил қилинди. 30 мингдан зиёд иш ўрни мамлакатнинг ортиқча ишчи қучи мавжуд бўлган 28 туманида ташкил этилди.

Меҳнат бозорига фаол чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ҳисобот даврида аҳоли бандлиги 2,5 фоизга ўсди, мамлакат бўйича иш ҳақи 18,4 фоиз, ўртача пенсия миқдори 27,7 фоизга кўпайди. Умуман олганда, аҳоли жами даромади 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 15,6 фоизга ошди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида тижорат банклари томонидан касб-хўнар коллежлари битирувчилари, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бизнес-лойиҳаларини молиялаш учун қиймати 62,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Жорий йил бошидан буён «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан умумий ҳаёмида 1,3 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан жорий йил 18 январда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилан берилган 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини аниқ мақсадли ҳамда изчил амалга ошириш шу йилнинг биринчи чорагида барқарор ўсиш суръатлари, макросиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётимиз рақобатбардорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Қабул қилинган ўрта мuddатли иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини юксатлаштиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича мамлакатимиз аҳолисининг бандлиги ва даромадларини изчил оширишга қаратилган кенг кўламли исохлотларни чуқурлаштириш ҳамда кенгайтириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини 2013 йилда барқарор ривожлантиришни таъминлашга доир асосий вазифалардандир.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси

Ўқув масканларида

Ўқувчиларнинг билим-кўникмаларини ошириб

Бугунги кунда туманларда фуқароларнинг солиқлар бўйича билимларини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аиниқса барча умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хўнар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Солиқ билимлари – болаларга» кўрик-танловининг ўтказилиши болаларнинг солиқ тўловлари бўйича билим ва тушуночаларнинг ёшлиқдан онгига англаб боришида муҳим омил вазифасини ўтамоқда.

Ушбу кўрик-танлов Бектемир туманидаги ўқув масканларида ҳам пухта режалар асосида ташкил этилди. Жумладан, мактаблар ва коллежларда дастлабки тайёргарлик ишларидан сўнг тумандаги 291-ўрта мактабда 1-4-синфлари ўқувчилари ўртасида «Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири», 293-ўрта мактабда 5-9-синфлар ўқувчилари иштирокида «Солиқ мавзусининг ҳўқоқларда акс этирилиши» йўналишлари бўйича, Республика радио-телевидение касб-хўнар коллежида эса касб-хўнар коллежлари ўқувчиларининг билимларини синаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати» мавзусида энг янги ишчи, шунингдек, «Солиқлар нимага тўланади ва нимага сарфланади» мавзусидаги компьютер тақдими йўналишида кўрик-танловлар ўтказилди. Унда Нигора Эндибоева ҳамда Анавар Рауповлар мавзу бўйича тўлиқ билимларга эга ёшаникларни намойиш қилиб, гоилилар сафини боқаришида ва шаҳар босқинчида ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

Болалар онгига ёшлиқ чоғларидан мана шундай тарзда турли билим ва кўникмаларни синдириб бориш албатта, уларнинг келажагда зукко, билимдон ва ватанпарвар инсонлар бўлиб етишишларига йўл очади.

С. ХОШИМОВА,

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий академияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда «Ўзбек аёллари француз аёли нигоҳида» деб номланган фотокўргазма ташкил этилди.

Кўргазма

ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ ФРАНЦУЗ АЁЛИ НИГОҲИДА

Франциялик тадқиқотчи олима Фредерик Боперти-Брессанд олган суратлардан иборат мазкур кўргазманинг очилишига турли вазирлик ва идоралар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий меҳмонлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси раисининг ўринбосари Жалолддин Мирзожиев, Франциянинг мамлакатимиздаги Фавкулдда ва мухтор элчиси Франсуа Готье ва бошқалар Ўзбекистон-Франция алоқалари барча соҳада, жумладан, санъатда ҳам изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Францияда ўзбекистонлик ижодкорлар ўз асарларини кенг намойиш этмоқда, француз санъаткорлари мамлакатимиздаги халқаро кўргазма, биеннале ва фестивалларнинг мунтазам иштирокчиларидир.

Ўттиз йилдан буён Ўзбекистон тарихи, қадриятлари, маданияти ва санъатини изчил ўрганиб келаётган Франциялик тарихчи Фредерик Боперти-Брессанд Париж шаҳрида тузилган Темурийлар маданияти ва санъатини ўрганиш ассоциациясининг асосчиларидан биридир. Ҳозир Фре-

дерик хоним мазкур уюшманинг бош котиби ҳамда «La Timuride» журналининг бош муҳаррири сифатида фаолият юритмоқда.

Миллий маданиятимизнинг Франциядаги фаол тарғиботчиси бўлган бу аёл Ўзбекистоннинг шу мамлакатдаги элчихонаси билан ҳамкорликда юртимиз рассомларининг кўргазмалари, мумтоз қўшиқларимиздан иборат концертлар, турли маърифий тадбирларни ташкил этишда жонбозлик кўрсатмоқда. Фредерик хоним юртимиз тарихи, маданиятига, жумладан, Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолияти, Самарқанд шаҳрининг жаҳон цивилизациясидаги ўрни ва аҳамиятига оид альбомлар, китоблар, мақолалар чоп этган.

– Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти ва санъати фойда бўлиши ва мафтункордир, – дейди Ф.Боперти-Брессанд. – Юртингизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимнинг ўзига хос ифодаси бўлган ушбу кўргазмада ўзбек аёлининг камтарлиги, самимийлиги, зоҳирий ва ботиний гўзаллигини, Ватанга, фарзандга, оилага бўлган меҳрини, шу билан бирга қатъияти, матонати, меҳнатсеварлиги, ижтимоий фаоллигини акс эттиришга ҳаракат қилдим.

Кўргазмадан француз олимасининг Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаёти акс эттирилган кўплаб фотосуратлари ўрин олган.

**Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

МАТОНАТ МАКТАБИ

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактаби 1991 йил 23 ноябрда ташкил этилган бўлиб, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, Қуролли Кучларимиз мудофаса қудратини мустаҳкамлаш, кенг халқ оммаси, хусусан ёшларни меҳнатга ўргатишга ўзининг самарали ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, техник мутахассислар ҳамда аҳоли ўртасида оммавий касб эгаларини тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлашда давлат ташкилотларига яқиндан кўмаклашиш ҳам муассасанинг асосий вазифаларидан саналади.

Тошкент бирлашган техника мактабида туман мудофаса бошқармаси бўлимларида тест ҳамда жисмоний тайёргарлик синовларини муваффақиятли ўтган ёшлар истаган касблари бўйича бепул ўқишлари мумкин. Беш ойга яқин вақт ичида талабгорлар маълум бир касб кўникмаларини эгаллаб, ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича Қуролли Кучларимиз сафларида Ватанимиз осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилади.

Юртимизда ишлаб чиқарилган замонавий автомобиллар ҳамда моддий-техник база билан таъминланган муассаса бир йилда халқ хўжалиги учун 1500, муқаддас ҳарбий хизматга эса 350 нафар мутахассис етиштириб чиқаради. Малакали ўқитувчи ва амалий бошқарув усталари ўқиш жараёнининг қундузги ва кечки вақтларини режа асосида олиб боради.

Ташкилот етарли даражада ўқув моддий-техник негизга эга. Мактабда тренажёр зали, замонавий кутубхона, интернет тармоғи ҳамда шун-шунхурт музейи фаолият кўрсатмоқда. Синфлар, амалий машғулот хоналари замонавий кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Шу боис ўқув жараёнидаги машғулотлар қақирилувчилар томонидан яхши ўзлаштирилади. Мазкур таълим даргоҳида нафақат ҳайдовчилик сирлари ўргатилади, балки бошланғич ҳарбий таълим, маънавият соатлари ва жисмоний тарбия машғулотлари ҳам ўтилади.

– Ўқув муассасамизда 20 га яқин тажрибали ўқитувчи-мураббийлар фаолият олиб боришмоқда, – дейди маънавий-маърифий ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тайёргарлиги бўйича бошлиқ ўринбосари Ахрор Мақсудов. – Улар ҳар йили Автомобиль йўллари институти, Тошкент Тиббиёт академияси ҳамда Республика Маънавият тарғибот марказида ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб келишади.


«Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактабидаги ойлик курсларда асосан оммавий техник касб ҳодимлари, яъни «В», «ВС», «С» ва «Е» тоифадаги ҳайдовчилар тайёрланади. Автомобилларни хавфсиз бошқариш асослари фанининг назарий машғулотлари учун умумий майдони 9 гектар келадиган автодром жикат кўрсатмоқда. Бу ерда авторалли, автокросс, автопилот, картинг, акробатик

раш ва мотокросс каби спортнинг техник турлари бўйича машғулот ва мамлакатимиз миқёсидаги мусобақалар ҳам ўтказиб турилади. Муассаса картинг ва автокросс-спорт турлари бўйича мамлакатимизда энг етакчилардан бўлиб турибди. Ўтган йили «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактаби шарафини ҳимоя қилган Жамол Мирқосимов картинг, Ратислав Беляков автокросс бўйича республика чемпионига айланишди.

Яқинда «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактаби томонидан тумандаги воғга етмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида дзюдо спорт тури бўйича бепул машғулотлар йўлга қўйилди. Ҳозирда 30 дан ортиқ мактаб ўқувчилари дзюдо бўйича спорт устаси Юрий Башкаровдан мазкур спорт сирларини ўрганиб, жисмонан чиқиб бормоқдалар. Яқинда ташкилот мутасадди раҳбарлари ташаббуси билан ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида, улар ўртасида ички чемпионат ўтказилди. Турли ёш тоифаларида гўлиб деб топилган ёшлар эсдалик совғалари ва фанрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактаби ёшларимизни она-Ватанга садоқатли, фидойи этиб тарбиялаш билан бирга уларда инсонийлик, ватанпарварлик туйғуларини сингдиради ва эзгу ишлар сари йўналтиришга хизмат қилмоқда.

Отабек ОТАЁРОВ



СУРАТДА: Мудофасага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактабида воғга етмаганлар ўртасида дзюдо бўйича ўтказилган чемпионатдан лавҳа.



Келажаги порлоқ ёшларнинг бугунги ташлаётган ҳар бир қадами эртанги нурафшон кундан далолатдир. Бу борада мактабгача таълим-тарбия масканларида фаолият юритаётган педагогларнинг олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир.

Ёшлар — келажакимиз

ВАТАНГА МУҲАББАТ РУҲИ МУЖАССАМ

Яккасарой туманидаги 300-сонли «Лайлакча» номли мактабгача таълим муассасида амалга оширилётган самарали ишлар бунинг яққол исботидир. Ташкил тоналари қарийб эллик йил бўлган ушбу муассасада экология, астрономия, кино, йўл ҳаракати сингари номлар билан номланган 11 та гуруҳ фаолият олиб бормоқда.

Айниқса, «Экология» йўналишидаги гуруҳ фаолияти болажонларни она табиятни севишга, ардоқлашга, ҳайвонот дунёсига меҳр қўйишга, қушларга озор бермаслик, асосийси, она табиятни янада севишга ва ардоқлашга чорлайди.

– Гуруҳимиз «Экология» деб номланганлиги учун ҳам, шу йўналишда фаолият олиб борамиз, – дейди гуруҳ раҳбари изланувчан тарбиячи Замира Тожиева. – Болажонларни табиятга, гуллар, ҳайвонот дунёсига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Шу билан биргаликда ҳаётимизда энг қадри неъмат, қудалик озиғимиз учун асосий омил бўлган тош ва уни исроф қилмаслик ҳақида нонунчалар бериб борамиз.

Шунингдек гуруҳимизда «Нон» музейи ташкил қилиб, унда болажонлар ўз қўллари билан ясаган номлар ва турли хил номлар териб қўйилган. Асосий мақсадимиз болажонларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, она табиятга меҳр қўйиш, яхшилик ва эзгулик ҳақида ёрқин фикрлар бериб, уларнинг беғубор олами янада мусаффо этишга ҳаракат қилишдир.

Ушбу масканда нафақат болажонларга тарбия берилади, балки улар билан биргаликда экологик масалаларни ечиб, улар онига уй ҳайвонлари, ёввойи ҳайвонлар, мева ва сабзавотлар ҳақида тушунчалар сингдирилади.

Болалар дунёсини янада бойитиш мақсадида муассаса тарбиячилари уларни гулзорда гул экиш, ерларни юмшатиш, экинларга сув қўйиб парвариш қилиш ишларига жалб қилишапти.

Бундай самарали ишларни амалга оширишда тарбиячи-педагогларнинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

**Гулҳебра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: 300-сонли «Лайлакча» номли мактабгача таълим муассаси фаолиятдан лавҳа**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

2013 йил 21 май куни соат 11:00да, Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уйда бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдоларида қуйидаги мулклар тасовирланган:

1. Республика Департаменти томонидан 2012 йил 5 мартдаги 1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Шахри Малек» МҲЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1. 1984 йилда и/ч дав. бел. 10 АЗ 010 бўлган «Камаз-5320» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 129 000 сўм. 2. 1981 йилда и/ч дав. бел. 10 ВЕ 430 бўлган «Камаз-5311» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 27 574 000 сўм. 3. 1984 йилда и/ч дав. бел. 10 ВЕ 429 бўлган «Камаз-5511» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 223 000 сўм. 4. 1991 йилда и/ч дав. бел. 10 ВА 712 бўлган «Камаз-5320» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 752 000 сўм. 5. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 767 САА бўлган «Газ-2752-414» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нар-

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МҲЖ очик аукцион савдоларида таклиф этади!

х 37 321 000 сўм. 6. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 D 770 БА бўлган «Лексус RX 350» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 161 000 834 сўм. 7. 2012 йил 23 июлдаги 1-185/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 R 216 JA бўлган «Лексус GX470» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 160 507 000 сўм. 8. 2012 йил 23 июлдаги 1-185/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 701 ААА бўлган «NISSAN ALTIMA» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 62 308 000 сўм. 9. Ҳамза туман СИБ томонидан, «Numizmatika» МҲЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1. 2012 йил 12 ноябрдаги 1-431/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 30 N 79-77 бўлган «Каптив» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 62 924 000 сўм. 2. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 S 909 БА бўлган «Каптив» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 68 240 000 сўм. 3. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 M 157

GA бўлган «Каптив» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 66 041 000 сўм. 4. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 D 797 БА бўлган «Каптив» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 68 393 000 сўм. 5. 2011 йил 28 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 S 707 EA бўлган «Эника» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 50 192 122 сўм. 6. 2012 йил 2 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 W 272 DA бўлган «Леганза» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 885 698 сўм. 7. 2012 йил 2 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 01 S 479 KA бўлган «Эсперо» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 14 771 273 сўм. 8. 2012 йил 2 июлдаги 1-268/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 11 L 7797 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 600 000 сўм. 9. 2012 йил 4 сентябрдаги 1-4878/12-сонли ижро

варақасига асосан хатланган, 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 S 197 LA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилган. Бошланғич нархи 18 099 401 сўм.

Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МҲЖнинг ОАТБ «Каптив-банк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: 2020800004887305001, МФО: 00425, ИНН: 301829604, Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.


Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрозилари бўлимининг вакиллари иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар кўни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бўлинишига бир иш кўни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МҲЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари такоран қўйилмоқда: Бекобод шаҳар СИБ томонидан 1. 15.02.2012 й. № 3917 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1969 й. и.ч. «Газ-21», д/р. К 3894 ТШ. Бошланғич баҳоси – 505 935 сўм. 2. 5.02.2012 й. № 3916 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1987 й. и.ч. «Иж 21-25», д/р. 11 I 2296. Бошланғич баҳоси – 511 200 сўм. 3. 06.05.2010 й. № 5446 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1971 й. и.ч. «М-412», д/р. Ж 9191 ТШ. Бошланғич баҳоси – 150 669 сўм. 4. 25.02.2010 й. № 850 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1976 й. и.ч. «М-412 ИЭ», д/р. 11 G 4538. Бошланғич баҳоси – 208 153 сўм. 5. 01.08.2011 й. № 7916 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1982 й. и.ч. «Москвич», д/р. 10 F 897 DA. Бошланғич баҳоси – 409 893 сўм. 6. 14.11.2011 й. № 13129 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1977 й. и.ч. «Уаз-452», д/р. 11 L 4829. Бошланғич баҳоси – 542 581 сўм. 7. 14.11.2011 й. № 13129 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1985 й. и.ч. «Уаз-452», д/р. 11 N 2357. Бошланғич баҳоси – 561 724 сўм. 8. 23.07.2012 й. № 7692 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1984 й. и.ч. «Магнум 2140», д/р. 11 V 5694. Бошланғич баҳоси – 596 809 сўм. 9. 19.03.2010 й. № 1618 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1987 й. и.ч. «Заз-968-М», д/р. 11 S 1813. Бошланғич баҳоси – 67 417 сўм. 10. 11.05.2011 й. № 3171 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1977 й. и.ч. «Уаз-452А», д/р. 11 T 9673. Бошланғич баҳоси – 822 550 сўм. Бекободсавдо МҲЖ омборида сақланмоқда. 11. 15.08.2011 й. № 10379 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1991 й. и.ч. «ДТ-75», д/р. сиз. Бошланғич баҳоси – 5 870 694 сўм. «Зафар қурилиш инвест» МҲЖда сақланмоқда. Юқоричирик тумани СИБ томонидан 12. 28.12.2011 й. № 11-1130/25283 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1999 й. и.ч. «Кейс 2366», д/р. 14-64 EP. Бошланғич баҳоси – 52 083 640 сўм. 13. 28.12.2011 й. № 11-1130/25283 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1996 й. и.ч. «Магнум 7240», д/р. 18-11 ED. Бошланғич баҳоси – 35 975 368 сўм. Юқоричирик туман МТП, Янгибозор қўргони, Баҳор кўчасида сақланмоқда. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 14. 10.12.2010 й. № 19624-10 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1983 й. и.ч. «Камаз 5320», д/р. 11 A 6717. Бошланғич баҳоси – 13 238 704,58 сўм. 15. 02.11.2010 й. № 14057/10 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1990 й. и.ч. «ИЖ», д/р. 10 L 975 AA. Бошланғич баҳоси – 1 036 246,69 сўм. Ангрен шаҳар ИИБ ИХХБ майдончасида сақланмоқда. 16. 03.05.2011 й. № 3946/11 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1976 й. и.ч. «М-412», д/р. 11 N 9038. Бошланғич баҳоси – 668 610 сўм. Ангрен шаҳар 29-авторхона майдонидеда сақланмоқда. 17. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 17.05.2012 й. № 11-1232/3223 - сонли ижро ҳужжатида асосан 2009 й. и.ч. «Трактор ТТ3-80», д/р. ЕЛ 2379. Бошланғич баҳоси – 25 626 600 сўм. Бўстонлик тумани Қўшқўрғон қишлоғида сақланмоқда. Чиноз тумани СИБ томонидан 18.1281 й. и.ч. «Заз-24», д/р. 11 C 8986. Бошланғич баҳоси – 927 897 сўм. 19. 1987 й. и.ч. «М-412 Москвич», д/р. 10 B 411 AA. Бошланғич баҳоси – 310 363 сўм. 20. 1975 й. и.ч. «Уаз-469», д/р. 12 F 1109. Бошланғич баҳоси – 1 541 073 сўм. 21. 2001 й. «Мидибус-23,9», д/р. 11 AO 277. Бошланғич баҳоси – 3 667 599 сўм. 22. 2001 й. «Мидибус-23,9», д/р. 11 AO 344. Бошланғич баҳоси – 5 574 752 сўм. 23. 2001 й. «Мидибус-23,9», д/р. 11 AO 180. Бошланғич баҳоси – 2 136 777 сўм. 24. 2002 й. «Мидибус-24,9», д/р. 10 273 AAA. Бошланғич баҳоси – 9 259 333 сўм. 25. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 11 AO 338. Бошланғич баҳоси – 2 136 777 сўм. 26. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 11 AO 349. Бошланғич баҳоси – 2 136 777 сўм. 27. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 11 AO 356. Бошланғич баҳоси – 1 424 518 сўм. 28. 2002 й. «Мидибус-24,9», д/р. 10 119 BAA. Бошланғич баҳоси – 9 388 175 сўм. 29. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 11 AO 278. Бошланғич баҳоси – 1 424 518 сўм. 30. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 11 AO 357. Бошланғич баҳоси – 7 834 841 сўм. 31. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 11 AO 339. Бошланғич баҳоси – 2 136 825 сўм. 32. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 11 AJ 916. Бошланғич баҳоси – 7 500 080 сўм. 33. 2001 й. «Мидибус-24,9», д/р. 11 AJ 904. Бошланғич баҳоси – 7 500 080 сўм. 34. 2001 й. «Мидибус-М23,9», д/р. 11 AQ 152. Бошланғич баҳоси – 5 347 360 сўм. 35. 2001 й. «Мидибус-М23,9», д/р. 11 AQ 155. Бошланғич баҳоси – 5 822 680 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 15 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 36. Пискент тумани СИБ томонидан 09.10.2012 й. № 11-1232/14276 - сонли ижро ҳужжатида асосан 2001 й. и.ч. «Нексия-GLE», д/р. 10 925 LAA. Бошланғич баҳоси – 20 100 000 сўм. Пискент тумани «Пахта тозалаш заводи» ОАЖда сақланмоқда. 37. Бўка тумани СИБ томонидан 07.06.2012 й. № 6065/9 - сонли ижро ҳужжатида асосан «Мотор эҳтиёт қисмлари». Бошланғич баҳоси – 392 937 359 сўм. Бўка тумани «Пахта тозалаш заводи»да сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 31 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридега автотранспорт воситалари 2013 йил 31 май куни савдога сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 17 июнь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузуладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «SPARETRA» МҲЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотечка банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 2020800004887305001, МФО: 00425, ИНН: 301829604, Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

Шайхонтоҳур туманидаги 169-мактаб томонидан 1976 йилда Маванди Ҳасан Нусерович номига берилган № 52992621 рақамли 8 йиллик таълимни тугатганлик ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



Аскар Ёкубов (ЎзА) олган суратлар

2013 йил — Обод турмуш йили

БИР БОЛАГА ЕТТИ ҚЎШНИ ОТА-ОНА

Тошкент Фотосуратлар уйида «Бир болага етти қўшни ота-она» мавзусидаги энг яхши фотоасарлар танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, фоторассомлар иштирок этди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раисининг ўринбосари Г.Алимова, Бадий академия раиси ўринбосари Ж.Миртожиев, Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол, юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказиш, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Обод турмуш йилида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгаймоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Бадий академия, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар томонидан «Бир болага етти қўшни ота-она» фототанлови ташкил этилди. Ундан кўзланган асосий мақсад ёшларни эзгу қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгида ватанпарварлик, фидойилик, меҳнатсеварлик каби ғоялар-

ни қарор топтиришдан иборатдир.

Танловда 70 нафарга яқин фотоижодкор беш юздан ортқ ижодий иши билан қатнашди.

Халқимизда маҳалла азалдан тарбия, маърифат ва маънавият ўчоғи, ибратли қадриятлар бешиғи бўлиб келган. Истиқлол йилларида маҳалланинг бу йўналишда самарали фаолият олиб бориши учун барча зарур шароит яратилди. Танлов учун тақдим этилган ижодий ишларда ҳам бу борадаги эзгу ишлар, ёшлар тарбиясида ота-оналар билан бирга маҳалла аҳли, нурунийлар, қўни-қўшни ҳам масъул экани ўз ифодасини топган.

Танлов бош совринига Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Қашқадарё вилояти бўйича фотомухбири Жамшид Норқобилов сазовор бўлди. Биринчи ўринга Константин Минайченко лойиқ топилган бўлса, Рустам Шарипов ва Носир Хайдаровга иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди. Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совгалари топширилди.

Танлов доирасида мавзуга оид энг яхши ижодий ишлардан иборат фотокўргазма ташкил этилди.

(ЎзА)

Пойтахтимизда камондан ўқ отиш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Мазкур турнирда 40 нафардан зиёд спортчилар мерганлик бўйича ўзаро куч синашдилар.

КУЧЛИ МЕРГАНЛАР САРАЛАНДИ

50 метрдан нишонга камондан ўқ отиш бўйича мурасасиз ўтган баҳсларда пойтахтлик Юнус Сармамбетов ўсмирлар ўртасида биринчи, сурхондарёлик мерганлар Жўрабек Аҳмадов ҳамда Дилшод Аҳмадовлар эса кейинги ўринларни эгаллашди.

— Мен камондан ўқ отиш бўйича Республика чемпиони бўлганимдан хурсандман дейди, Юнус Сармамбетов. — Мақсадим келажакда юртимиз байроғини нуфузли мусобақаларда кўкка кўтариб олимпиада чемпиони бўлиш.

Қизлар ўртасидаги курашларда пойтахтлик спортчилар Хилола Юнусова олтин, Вероника Бозунова кумуш, самарқандлик Мадина Акрамова бронза медалига муносиб деб топилди.

Бу каби турнирларнинг ўтказилиши юртимизда камондан ўқ отиш спорт турининг ривожига катта ҳисса қўшади ва терма жамоамиз сафларига иқтидорли мерганларнинг етишиб чиқишига ёрдам беради.

Жавохир ТОШХҲАЕВ

Футбол

ЧЕМПИОН ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Пахтакор» бу сафар ўз майдонида «Локомотив» жамоасини қабул қилди. Учрашув тафсилотларига тўхталишдан аввал шунини таъкидлаш жоизки, шу пайтгача бу икки жамоа ўзаро ўн тўрт марта учрашишган, аммо етти ўйинда «Пахтакор» галаба қозонган, фақат етти та учрашувда томонлар мураса йўлини танлашган. Шу боис ҳам кўпчилик мутахассислар мухлислар баҳс қизиқарли кечади, деб тахмин қилишган эди.

Дарҳақиқат, беллашув мурасасиз ва шиддатли курашлар остида ўтди. Хар икки томон майдонга фақат галаба қозониш иштиёқида тушганликларини яшириб ўтиришмади. Учрашувда биринчи гол мезбонлар томонидан дарвозага киритилди. «Пахтакор» сардори Махарадзе гол муаллифига айланди. Аммо, орадан тўрт дақиқа ўтгач мезбонлар ҳимоячиларининг қўпол хатосидан унумли фойдаланган Холматов Лобанов кўриқлаётган

Мамлакат XXII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари иштирокида ўтказилган олтинчи тур баҳсларида яна қутилмаган натижалар қайд этилди.

дарвозани аниқ нишонга олиб яна мувозанатни тиклади. Меҳмонларга галаба келтирган учинчи гол 34-дақиқада Карпенко томонидан дарвозага киритилди.

Учрашув якунига қадар мезбонлар ҳам, меҳмонлар ҳам ҳисобни ўзгартиришга ҳарчанд уринишмасин, 1:2 ҳисоби ўзгармай қолди. Учрашувда галаба қозониб муҳим очколарга эга бўлган «Локомотив» турнир жадвалида биринчи ўринга кўтарилиб олди.

Самарқандда «Динамо» — «Бунёдкор» жамоалари ўзаро беллашди. Аввалги турда «Олмалик» командасидан 1:3 ҳисобида енгилган Миржалол Қосимов шогирдлари бу сафар сермазмун ўйин намойиш этиб мезбонларни 3:0 ҳисобида мағлуб этишди.

Дарвозага голларни Пишур (2 та), Блажич киритишди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро» — «Олмалик» — 1:0, «Навбахор» — «Ўлистон» — 3:0, «Нефтчи» — «Насаф» — 1:1, «Металлург» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Шўртан» — «Қизилқум» — 2:0.

Олтинчи тур якунларига кўра шунини айтиш лозимки, совринли ўринларга даъвогарлик қилаётган барча етакчи жамоалар мағлубият аламини тотиб кўришди. Фақат «Локомотив» шу кунгача бирорта жамоадан мағлубиятга учрамади. Бу ҳолат шунини кўрсатадики, мавсум ниҳоятда қизиқарли кечади. Жорий йилги чемпионатда қайси жамоа чемпион бўлади? Буни вақт кўрсатади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг «Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга аввал берилган ягона намунадаги гувоҳномалар 2013 йилнинг 4 сентябргача бўлган муддатда алмаштирилади.

Аввал берилган эски намунадаги гувоҳномалардан 2013 йилнинг 4 сентябргача бепул фойдаланиш мумкин, ундан кейин ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Имтиёзга эга бўлган фуқаролар тоифаларига қараб янги намунадаги гувоҳномаларни алмаштириш ва бериш муддатлари қуйидагича белгиланади:

— I гуруҳ қўзи ожиз ногиронлари ва қўзи ожиз ногиронларга ҳамроҳлик қилувчи шахсларга 1 майдан 31 майгача;

— 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари, уруш ногиронлари, уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бениқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахсларга 1 июндан 30 июнгача;

— Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахсларга 1 июлдан 22 июлгача;

— Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқароларга 23 июлдан 4 сентябргача.

Гувоҳномаларни олиш учун қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

— белгиланган намунадаги ариза;

— фуқаролик پاسпорти;

— имтиёзга эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Фуқароларни қабул қилиш, улар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш, гувоҳномаларни алмаштириб бериш «3-Трамвай депо-си» биносидан ҳар ҳафта, душанбадан жумагача, соат 9:00дан 18:00гача амалга оширилади.

Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Темуралик кўчаси, 3-уй. Мурожаат учун телефонлар: 233-09-65, 263-29-34, 589-04-48.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Баъзилар яхшилигинини шундай бўлиши керакдай қабул қилади.

* * *

Инсоннинг гап-сўзи, хатти-ҳаракати ва иши унинг кимлигини кўрсатиб туради.

* * *

Ночорликни кечириш мумкин, журъатсизликни йўқ.

* * *

Ўзида интилиш бўлмаган ҳеч нарсага эришолмайди.

* * *

Кўпчилик ўз баҳосини билмайди.

* * *

Иштиёқ бўлмаса, ҳар қанча мажбурлама, ишинг унмайди.

* * *

Бировга ақл ўргатиш осон.

* * *

Меҳнаткашнинг қўли бўш қолмайди.

* * *

Шижоати йўқда журъат ҳам бўлмайди.

* * *

Оқила аёл эрини кўплаб муқаррар кўнгилсизликлардан сақлаб қолади.

* * *

Нодон ҳақиқатни тушунишдан ожиз.

* * *

Берган яхши, сўраган ёмон.

* * *

Тирикликнинг ўзи бахт.

* * *

Ўзига ишонмаган ўз ҳаётини ҳам, ўзгалар ҳаётини ҳам заҳарлаб яшайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Тошкент шаҳрида

2 май кунини ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 9-11, кундузи — 24-26 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 2 май Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.



Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 541

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11938 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ